

Шерободда 90 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади



“Баҳор” маҳалласида 394 нафар 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар мавжуд бўлса, шуларнинг 90 нафари ушбу давлат мактабгача таълим ташкилотига қамраб олиниши кўзда тутилган.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар 11-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида болажонлар учун яратилган барча замонавий шарт-шароитлар билан яқиндан таништирилди.

Замонавий махсус мебеллар, янги тўшаклар билан жиҳозланган ётоқхоналар, хавфсиз қаттиқ ва юмшоқ ўйинчоқлар, болалар учун махсус кутубхона, кенг ёруғ хоналар, ёзги айвончалар, ўйин майдончалари, кўркама ва файзли ошхона болажонларнинг доимий хизматида бўлади.

Ташриф буюрган меҳмонларга жажжи болажонлар томонидан байрам дастури намоёиш этилди.